**"T A S D I Q L A Y M A N"**
**O'zbekiston Respublikasi**
**Yoshlar ishlari agentligi direktorining**
**o'rinbosari, xarid komissiyasi raisi**
**______________ J.Xodjayev**

**2022-yil 28-mart**

**Tanlov savdolarini o'tkazuvchi xarid komissiyasining davlat xaridlarining elektron portaliga e'lon qilingan 51299-sonli lot bo'yicha "Yoshlar ovozi" tanlovining saralash va hududiy bosqichlarini televizion formatda tasvirga olish xizmatini xarid qilish uchun o'tkazilgan yig'ilish**
**BAYONI**

2022-yil 28-mart Toshkent shahar

Yoshlar ishlari agentligi direktorining 2021-yil 19-iyuldagi 01-10/152-son buyrug'iga asosan Yoshlar ishlari agentligi markaziy apparatida tashkil etilgan xarid komissiya quyidagi a'zolari ishtirok etdi:

| | |
|---|---|
| **Xarid komissiyasi raisi:** | |
| J.Xodjayev | Yoshlar ishlari agentligi direktorining o'rinbosari; |
| **Komissiya a'zolari**: | |
| A.Xalikov | Yuridik byuro boshlig'i; |
| O.Ravshanov | Korrupsiyaga qarshi ichki nazorat xizmati rahbari; |
| D.Ubaydullayev | Moliya-iqtisod boshqarmasi boshlig'i; |
| A.Muminov | Inson resurslarini rivojlantirish boshqarmasi boshlig'i; |
| I.Xoldorova | Besh tashabbus loyihalarini muvofiqlashtirish boshqarmasi boshlig'i |
| M.Tabibullayev | Ishlar boshqarmasi boshlig'i |
| **Komissiya kotibi:** | |
| A.Gulamov | Ishlar boshqarmasi bosh mutaxassisi. |

**KUN TARTIBI:**

**Yoshlar ishlari agentligi direktorining 2022-yil 9-martdagi 01-10/57-son "Yoshlar ovozi" tanlovining saralash va hududiy bosqichlarini o'tkazish to'g'risida"gi buyrug'iga asosan "Yoshlar ovozi" tanlovining saralash va hududiy bosqichlarini televizion formatda tasvirga olish xizmatini ko'rsatish bo'yicha tanlov g'olibini aniqlash.**

*(J.Xodjayev, A.Xalikov, O.Ravshanov, D.Ubaydullayev, A.Muminov, I.Xoldorova, M.Tabibullayev)*

Komissiya raisi kvorum mavjudligi inobatga olib kun tartibini ochish taklifini kiritdi va ovozga qo'ydi.

**Ovozga qo'yish:**

Komissiya a'zolari tomonidan taklif bir ovozdan ma'qullandi.

Komissiya raisi Yoshlar ishlari agentligi direktorining 2022-yil 9-martdagi 01-10/57-son "Yoshlar ovozi" tanlovining saralash va hududiy bosqichlarini

o‘tkazish to‘g’risida”gi buyrug‘iga asosan “Yoshlar ovozi” tanlovining saralash va hududiy bosqichlarini televizion formatda tasvirga olish xizmatini ko‘rsatuvchi tashkilotni tanlab olish belgilanganligini ma’lum qildi.

Shundan so‘ng, komissiya raisi so‘z navbatini komissiya kotibi A.Gulamovga berdi.

Komissiya kotibi komissiya a’zolarini tanlov savdolarini o‘tkazish tartibi bilan tanishtirib, “Yoshlar ovozi” tanlovining saralash va hududiy bosqichlarini televizion formatda tasvirga olish xizmatini xarid qilish to‘g‘risidagi e’lon bo‘yicha tanlov natijalari 2022-yil 25-martda maxsus axborot portali etender.uzex.uz saytida 2022-yil 11-martdagi 51299-son lotida elekton shakl (pdf) da shakllanganligini eslatib o‘tdi.

2022-yil 25-27-mart kunlari maxsus axborot portali etender.uzex.uz saytida joylashtirilgan bayon bo‘yicha taklif va shikoyatlar kelib tushmadi.

Shundan so‘ng, Komissiya raisi 2022-yil 11-martdagi 51299-son lotida 2022-yil 25-mart kuni bo‘lib o‘tgan tanlov bo‘lib o‘tganligini tasdiqlash masalasini ovozga qo‘ydi.

Ovozga qo‘yish natijalariga muvofiq xarid komissiyasi

**QAROR QILADI:**

1. “Yoshlar ovozi” tanlovining saralash va hududiy bosqichlarini televizion formatda tasvirga olish xizmatini ko‘rsatish bo‘yicha 2022-yil 11-martdagi 51299-son lotida 2022-yil 25-mart kuni bo‘lib o‘tgan tanlov jarayoni yakunlangan deb hisoblansin.

2. “Yoshlar ovozi” tanlovining saralash va hududiy bosqichlarini televizion formatda tasvirga olish xizmatini ko‘rsatish bo‘yicha **“Media Show TV”** MChJ **1 265 000 000 (Bir milliard ikki yuz oltmish besh million)** so‘m taklifi bilan tanlov g‘olibi deb topilsin.

3. Yoshlar ishlari agentligiga tanlov g‘olibi bilan tanlov savdolari shartlari asosida shartnoma tuzish tavsiya etilsin.

**Xarid komissiyasi a’zolari:**

A.Xalikov ____________

O.Ravshanov ____________

D.Ubaydullayev ____________

A.Muminov ____________

I.Xoldorova ____________

M.Tabibullayev ____________

**Bayonni yuritdi** ____________ **A.Gulamov**

# ШАРТНОМА № 07

Тошкент ш. 28 март, 2022 йил

Устав асосида фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси **Ёшлар ишлари агентлиги** номидан директор **А.Саъдуллаев**, кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб аталади, бир тарафдан ва Устав асосида фаолият юритувчи **"MEDIA SHOW TV" МЧЖ ("Biz-Music" онлайн телеканалн)** номидан директор **В.Когай,** кейинги ўринларда "Ижрочи" деб аталади, иккинчи тарафдан, биргаликда "Томонлар" деб аталувчилар мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

## 1. Шартнома предмети

1.1. Ушбу шартнома орқали "Ижрочи" 2022 йил март-май ойларида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйлаб ўтказиладиган "Республика ёшлар овози" фестивали (Bo'zatov FEST) жараёнларини телевизион форматда тасвирга олиш, монтаж қилиш ва шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 1- ва 2-иловаларда келтирилган ҳолатда тайёр медиа-маҳсулотларни тақдим этиш, "Буюртмачи" эса ушбу кўрсатилган хизматлар учун "Ижрочига" ҳақ тўлашни зиммасига олади.

1.2. Мазкур шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган "Ижрочига" тўланиши лозим бўлган ҳақ қўшимча қиймат солиғи билан бирга **1 265 000 000 (бир миллиард икки юз олтмиш беш миллион)** сўмни ташкил этади ва мазкур шартнома имзолнганидан сўнг 3 иш кунида ушбу ҳақнинг 15% қисми дастлабки тўлов сифатида тўлаб берилади.

1.3. Шартнома бўйича қолган тўловлар Ижрочи томонидан Буюртмачига тақдим этиладиган ва ҳар икки тараф имзолайдиган бажарилган ишлар далолатномасига асосан амалга оширилади.

## 2. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. "Ижрочи" қуйидаги ҳуқуқларга эга:

"Буюртмачи"дан мазкур шартноманинг 1.2-бандида назарда тутилган миқдорда ва тартибда ҳақни талаб қилиш.

2.2. "Ижрочининг" мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

Сифатли хизмат кўрсатиш, медиа-маҳсулотларни ўз вақтида, юқори савияда, телевизион эфир учун мосланган ва 2-иловада кўрсатилган талаблар асосида тақдим этиш.

2.3. "Буюртмачи" қуйидаги ҳуқуқларга эга:

"Ижрочидан" хизматни сифатли, турли камчиликларсиз амалга оширишни талаб ва мазкур шартномада белгиланган муддатларда тақдим этилишини талаб қилиш.

2.4. "Буюртмачининг" мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

"Ижрочига" бажарилган хизмат учун мазкур шартноманинг 1.2-бандида назарда тутилган миқдорда ва тартибда ҳақ тўлаш.

## 3. Тарафларнинг жавобгарлиги

3.1. "Буюртмачи" ушбу шартномада келишилган тўлов муддатига риоя этмаган ҳолларда, тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун "Ижрочига" мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4% миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

3.2. "Ижрочи" ушбу шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган муддатларда ишни бажаришни кечиктирганда, кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган иш қийматининг 0,4% миқдорида, аммо кечиктирилган иш қийматининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

3.3. "Ижрочи" мазкур шартноманинг юзасидан мажбуриятларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги оқибатида хатоларни тузатишга сарфланадиган қўшимча ва кўзда тутилмаган харажатлар ёки Ёшлар ишлари агентлиги ёхуд бошқа учинчи шахслар билан тузилган шартномаларга асосан қўлланиладиган молиявий жарима

ва санкциялар натижасида етказилган ҳар қандай зарарни "Буюртмачига" тўлиқ қоплаб беради.

3.4. Мазкур шартнома шартларида кўзда тутилмаган бошқа ҳолатларда тарафлар Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ иш юритадилар.

## 4. Форс-мажор

4.1. Сув тошқини, зилзила ва бошқа табиий ҳодисалар, шунингдек, ҳарбий ҳаракатлар, қамал ҳолати ва давлат органларининг ҳужжатлари ёки хатти-ҳаракатлари, ёки томонларнинг назоратидан ташқари бўлган бошқа вазиятлар шартнома тузилганидан кейин юзага келганлиги мазкур шартнома шартлари бажарилишига тўсқинлик қилса, Томонлар ушбу шартнома юзасидан жавобгар ҳисобланмайдилар.

## 5. Низоларни ҳал этиш тартиби

5.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик меъёрларига кўра бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

## 6. Алоҳида қоидалар

6.1. Мазкур шартнома доирасида тайёрланган медиа-маҳсулотлар “Буюртмачи” томонидан танланган бир ёки бир нечта телеканал эфирида узатилади, ижтимоий тармоқларда махсус очилган саҳифа ва каналларга жойлаштирилади.

6.2 Медиа-маҳсулотларни яратишнинг барча босқичларида “Ижрочи” амалдаги қонунчиликка амал қилган ҳолда видео маҳсулотдаги тасвирлар, ёзув кўринишидаги матнлар, товушлар, мусиқалар, овозлардан фойдаланиши талаб этилади. Тақдим этилган медиа маҳсулотда муаллифлик ҳуқуқлари бузилган ҳолатда, қайта таҳрир қилиш талаб этилади. Бунинг иложи бўлмаган тақдирда видео махсулот Буюртмачи томонидан қабул қилинмайди.

6.3 Видео маҳсулотни ишлаб чиқувчилар видеонинг бошланғич қисмида “Буюртмачи”нинг логотипини жойлаштириши талаб этилади.

## 7. Қўшимча шартлар

7.1. Мазкур шартнома ғазначиликда давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб кучга киради ва 31.05.2022й.га қадар амалда бўлади.

7.2. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

## 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

| **БУЮРТМАЧИ** | **ИЖРОЧИ**<br>**“MEDIA SHOW TV” МЧЖ** |
|---|---|
| O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI YOSHLAR ISHLARI AGENTLIGI<br>MARKAZIY APPARATI<br>100011 Toshkent shahar, Navoiy ko'chasi, 11-uy<br>HKKM «MARKAZIY BANK» Toshkent sh, Bosh boshqarmasi<br>IFUT: 84111, MFO: 00014, STIR: 207 323 290, Tel:<br>Sh/h.r: 4010 2000 1080 2627 7707 8950 0<br>Moliya vazirligi G'aznachiligi amaliyot boshqarmasi<br>G'azna h.r: 23 402 000 300 100 001 010<br>HKKM «MARKAZIY BANK» Toshkent sh, Bosh boshqarmasi<br>MFO: 00014, STIR: 201 122 919<br>________________ | Манзил: Тошкент ш., Юнусобод тумани Марказ-2,24а<br>Тел: +998974407299<br>х/р 2020 8000 3051 4832 5001<br>АТБ «Ҳамкорбанк» Чилонзор филиали<br>МФО 01108<br>ИНН 306894427<br>ОКЭД 59110<br>ҚҚС рақами 326030125092<br>**Директор** ________________ |

*2022 йил _28 мартдаги*
*__07-сонли шартномага 1-илова*

Биз қуйида имзо чекувчилар, Устав асосида фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси **Ёшлар ишлари агентлиги** номидан директор **А.Саъдуллаев**, кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб аталади, бир тарафдан ва Устав асосида фаолият юритувчи **"MEDIA SHOW TV" МЧЖ ("Biz-Music" онлайн телеканали)** номидан директор **В.Когай,** кейинги ўринларда "Ижрочи" деб аталади, иккинчи тарафдан, биргаликда "Томонлар" деб аталувчилар мазкур шартнома нархи ва кўрсатиладиган хизматлар тури ва уларни бажариш муддатларини қуйидагича келишиб олдик:

| № | Номи | Сони | Тайёрлаш муддати | Нархи *(ҚҚС билан бирга)* | Сумма *(ҚҚС билан бирга)* |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Маҳаллаларда ўтказиладиган кастинг жараёнлари бўйича ҳар бир ҳududдан 10 дақиқа давомийликда телекўрсатув суратга олиш, монтаж қилиш | 14 | 31 март, 2021 йил | 13 975 250 | 195 653 500 |
| 2. | Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар (жами 14 та ҳудуд) бўйича кастинг ўтказиш ва ҳар биридан 10 дақиқали кўрсатув тайёрлаш | 14 | 15 апрель, 2022 йил | 13 975 250 | 195 653 500 |
| 3. | Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар (жами 14 та ҳудуд) бўйича кастинг жараёнида иштирокчиларнинг 5 дақиқагача бўлган чиқишини тасвирга олиш, монтаж қилиш ва фестивалнинг Youtube каналига жойлаштириш | 1 500 | 15 апрель, 2022 йил | 167 826,33 | 251 739 500 |
| 4. | Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар (жами 14 та ҳудуд) бўйича гала-концертларни ташкил этиш, 120 дақиқали концерт дастурларини тасвирга олиш, монтаж қилиш | 14 | 1 май, 2022 йил | 30 450 000 | 426 300 000 |
| 5. | Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар (14 та ҳудуд) бўйича гала-концерт жараёнининг ҳар биридан 10 дақиқали кўрсатув тайёрлаш | 14 | 1 май, 2022 йил | 13 975 250 | 195 653 500 |
| ***Шартнома бўйича жами 1 556 та оригинал телемаҳсулот, 9 600 дақиқа давомийликда*** | | | | | |
| | | | | **Жами** | **1 265 000 000** |

Шартноманинг умумий суммаси: **1 265 000 000 (бир миллиард икки юз олтмиш беш миллион) сўм, ҚҚС билан бирга**

| **БУЮРТМАЧИ** | **ИЖРОЧИ** |
|---|---|
| O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI YOSHLAR ISHLARI AGENTLIGI MARKAZIY APPARATI<br>100011 Toshkent shahar, Navoiy ko'chasi, 11-uy<br>HKKM «MARKAZIY BANK» Toshkent sh, Bosh boshqarmasi<br>MFO: 00014, STIR: 207 323 290, Tel<br>Sh.h.r: 40102860262777994122801<br>Moliya vazirligi G'aznachiligi amaliyot boshqarmasi<br>G'aznah.r: 23 402 000 300 100 001 010<br>HKKM «MARKAZIY BANK» Toshkent sh, Bosh boshqarmasi<br>MFO: 00014, STIR: 201 122 919 | **"MEDIA SHOW TV" МЧЖ**<br>Манзил: Тошкент ш., Юнусобод тумани Марказ-2,24а. Тел: +998974407299<br>х/р 2020 8000 3051 4832 5001<br>АТБ «Ҳамкорбанк» Чилонзор филиали<br>МФО 01108 ИНН 306894427 ОКЭД 59110<br>ҚҚС рақами 326030125092<br>**Директор** ____________ |

*2022 йил ___28 мартдаги*
*__07-сонли шартномага 2-илова*

Биз қуйида имзо чекувчилар, Устав асосида фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси **Ёшлар ишлари агентлиги** номидан директор **А.Саъдуллаев**, кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб аталади, бир тарафдан ва Устав асосида фаолият юритувчи **"MEDIA SHOW TV" МЧЖ ("Biz-Music" онлайн телеканали)** номидан директор **В.Когай,** кейинги ўринларда "Ижрочи" деб аталади, иккинчи тарафдан, биргаликда "Томонлар" деб аталувчилар мазкур шартнома асосида тайёрланадиган телекўрсатувларга техник талабларни қуйидагича келишиб олдик:

| № | Талаб номи | Таснифи |
|---|---|---|
| 1. | Видео маҳсулотлардаги тасвир сифати | Full HD (1920x1080) 16:9 форматда 20 bitrate ва ундан юқори |
| 2. | Овоз | AAC форматдаги 128 кб/с - стерео сифатда ва ундан юқори. |
| 3. | Видеолар сони | 1 556 та |
| 4. | Видеолар давомийлиги | 9 600 дақиқа |
| 5. | Мавзу | Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйлаб ўтказиладиган "Республика ёшлар овози" фестивалининг саралаш, ҳудудий босқичлари ва ҳудудий гала-концертларни телевизион форматда суратга олиш |
| 6. | Видео маҳсулотларнинг ишчи тили | Ўзбек тили |
| 7. | Видео маҳсулотларни тасвирга олишда фойдаланиладиган техник ускуналар | Камера – Canon Mark 5D Mark IV<br>Объектив - 16мм, 24мм, 35мм, 50мм, 135мм<br>Қўшимча – Ronin, Sennheiser микрофон/петличкалари ва ҳоказо. |
| 8. | Монтаж | Профессионал, рангли коррекция, VFX графика |

| **БУЮРТМАЧИ** | **ИЖРОЧИ**<br>**"MEDIA SHOW TV" МЧЖ** |
|---|---|
| O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI YOSHLAR ISHLARI AGENTLIGI MARKAZIY APPARATI<br>100011 Toshkent shahar, Navoiy ko'chasi, 11-uy<br>HKKM «MARKAZIY BANK» Toshkent sh, Bosh boshqarmasi<br>IFUT: 84111, MFO: 00014, STIR: 207 323 290, Tel<br>Sh/h.r: 400100860108060262777104999022200...<br>Moliya vazirligi G'aznachiligi amaliyot boshqarmasi<br>G'azna/h.r: 23 402 000 300 100 001 010<br>HKKM «MARKAZIY BANK» Toshkent sh, Bosh boshqarmasi<br>MFO: 00014, STIR: 201 122 919 | Манзил: Тошкент ш., Юнусобод тумани Марказ-2,24а. Тел: +998974407299<br>х/р 2020 8000 3051 4832 5001<br>АТБ «Ҳамкорбанк» Чилонзор филиали<br>МФО 01108 ИНН 306894427 ОКЭД 59110<br>ҚҚС рақами 326030125092<br>**Директор** ____________ |

[illegible]

# СВИДЕТЕЛЬСТВО

О государственной регистрации юридического лица
(субъекта предпринимательства)

Настоящим подтверждается, что в Единый государственный реестр субъектов предпринимательства внесана запись о создании:

Общество с ограниченной ответственностью "MEDIA SHOW TV"

[illegible]

ООО "MEDIA SHOW TV"

[illegible]

27.11.2019 За регистрационным номером [illegible]

[illegible]

Идентификационный номер налогоплательщика (ИНН): [illegible]

Организационно-правовая форма: Общество с ограниченной ответственностью

Местонахождение: город Ташкент, Юнусабадский район, Ц-2, Олой, 24А,

Свидетельство выдано: [illegible]

[illegible]

my.gov.uz
Yagona Interaktiv
Davlat Xizmatlari Portali

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi

№ 3737-135f-45f0-395c-05b9-4828-0989
Hujjat yaratilingan sana: 2020-08-26
Ariza raqami: 21681203

Hujjat berilgan: ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ "MEDIA SHOW TV"
Qabul qiluvchining identifikatsiya raqami: 306894427

Ommaviy axborot vositasi davlat ro‘yxatidan o‘tkazilganligi to‘g‘risida
**GUVOHNOMA**

**№** 1373

**Nomi:** "www.bizcinema.uz"

**Tarqatish shakli:** veb-sayt

**Til(lar)i:** o'zbek, rus, ingliz

**Muassis(lar)i:** "MEDIA SHOW TV" mas'uliyati cheklangan jamiyati

**Ixtisoslashuvi:** madaniy-ko'ngilochar, kino

**Tahririyat manzili:** Toshkent shahri, Yunusobod tumani, Ц-2, Oloy tupik, 24A-uy

**Tarqatish hududi:** Internet jahon axborot tarmog'i orqali

**Berilgan sanasi:** 20-08-2020

**Ro‘yxatdan o‘tkazuvchi organ rahbari:** Xodjayev Asadjon Azatbekovich

Mazkur hujjat Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 15 sentyabrdagi 728-son qarori bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali to‘g‘risidagi nizomga muvofiq shakllantirilgan elektron hujjatning nusxasi hisoblanadi. Elektron hujjatning nusxasida ko‘rsatilgan ma’lumotlar to‘g‘riligini tekshirish uchun repo.gov.uz veb-saytiga o‘ting va elektron hujjatning noyob raqamini kiriting yoki mobil telefon yordamida QR-kodni skaner qiling. Diqqat! Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 15 sentyabrdagi 728-son qaroriga muvofiq elektron hujjatlardagi ma’lumotlar qonuniy hisoblanadi. Davlat organlariga Yagona portalda shakllantirilgan elektron hujjatlarning nusxalarini qabul qilishni rad etishlari qat’iyan taqiqlangan.

0007